



Метеорологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар лаҳзада Ер сатҳидан 16 миллион тонна сув бугланиб осмонга кўтарилар экан. Бир йилда бу кўрсаткич 505 триллион тоннани ташкил қилади. Аммо ҳар йили бутун Ер юзига ёғадиган жами ёмғирларнинг миқдори ҳам айнан шу рақамга тенг. Яъни табиатда сувнинг айланиши тенг ўлчовли, доимий ва катъий белгиланган нисбатларда амалга ошиб туради. Ердаги ҳаёт ҳам айнан шу сувнинг табиатдаги айланиши туфайли давом этиб турибди. Инсон хатто энг замонавий технологиялар ёрдамида ҳам бу айланишни ҳеч бўлмаса қисман, сунъий равишда вужудга келтира олмайди.

Аммо табиатдаги сувнинг бундай мувозанатда бўлиши олимлар томонидан йигирманчи асрда аниқланди. Аллоҳ Таолонинг сўнгги самовий китоби бўлмиш Қуръони Каримда эса бу ҳақда мелодий 600 йилларда хабар қилинган.

«Ўша Зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув-ёмғир ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан «ўлик» шаҳар (кишлоқларни) тирилтирдик (яъни курук Ердан турли-туман гиёҳларни чиқардик). Сизлар ҳам (Киёмат Қунида қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар». Зухруф сураси, 11-оят.

Ердаги ҳаёт сувнинг мана шундай мукамал суратда айланиб туриши туфайли барпо бўлган. Сувнинг табиий айланиш миқдоридаги, қисқа бир муддатлик ўзгариш ҳам экологик мувозанатнинг гоятда оғир тарзда бузилишига ҳамда бутун тириклик учун ҳалокатлик оқибатларга олиб келади. Аммо бу мувозанат ҳеч қачон ўз-ўзидан бузилмайди, ёмғир эса Қуръонда айtilганидек, ҳар йили бир хил миқдорда, биз учун керакли ҳажмда ёғаверади.

